



Савол:

Менга кизларнинг намоз ўқишини ўргатинг ва тўғри йўлни танлашга ёрдам беринг.

Жавоб:

Бисмиллаҳ вассолату вассаламу ала Расулиллаҳ ва баъд:

Аёллар ҳам эркаклар каби намоз ўқийдилар, икки жинснинг намозларида фарқ йўқ. Уларнинг намозларида фарқнинг борлигини исбот қилувчи бирорта саҳих ҳадис расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган эмас.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам умматнинг эркагу аёлига хитоб қилиб шундай дедилар: «Менинг намоз ўқиганимни кўрганинглар каби намоз ўқинглар». Шунинг учун намоз ўқишни ўрганмокчи бўлган сингилларимиз саҳифамизнинг «китоблар» рукнида қўйилган [«Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам ўқиган намознинг»](#) сифати номли рисолаи ўқисинлар ва шунга биноан намозларини адо этсинлар. Аёллар намозга турганларида юзлари ва қафтларидан бошқа барча аъзоларини ўрашлари фарздир.

Тўғри йўлни танлашга келсак пайгамбаримиз Мухаммад саллоллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Сизларга икки нарсани қолдирдим. Агар шу икки нарсани ушласангиз харгиз адашмайсизлар; Аллоҳнинг китоби (қуръон) ва суннатим». Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг бу сўзлари энг тўғри йўлга йўлланишни қафолатлайди. Қимқи қуръон ва суннат йўлини танласа пайгамбар гувоҳлиги билан энг тўғри йўлни танлаган бўлади. Сиз ҳақ йўлдаги



маълумотларингизни оширмоқчи бўлсангиз марҳамат килиб саҳифамизда кўйилган китоблар, мақолалар ва устозларнинг овозли дарсларини тингланг. Уларнинг барчасида бирор гап айтилган бўлса, уни қуръон ва суннатдан бўлган далиллар билан қувватлаб айтилган.

Аллоҳ барчамизни тўғри йўлга ҳидоят қилсин. 28/05/2002

Мавзуга оид боғламалар

- [Расулulloҳ \(сав\) ўқиган намознинг сифати](#)